

## Қарши филиалида илмий семинар

2019-2020 ўқув йилида ТИҚХММИ Қарши филиали директорининг 2019 йил 23 октябрдаги буйруғига асосан “Қишлоқ ва сув хўжалиги муҳандислиги муаммолари ва илмий ечимлари” номли Илмий семинар фаолияти йўлга қўйилди. Илмий семинар таркиби 17 нафар фан доктори, фалсафа доктори (PhD) ва фан номзодларидан иборат бўлиб, унга Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида фаолият олиб бораётган соҳанинг етук мутахассис-олимлари ҳам жалб қилинган. Илмий семинар раиси - Маматов Фармон Муртозевич, ҚарМИИ профессори т.ф.д., илмий семинар раиси муовини - Равшанов Ҳамроқул Амирқулович ТИҚХММИ Қарши филиалининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари, т.ф.н., доцент, котиб - Курбонов Шерзод Бахтиёрович, докторант. Илмий семинарнинг 1-сонли йиғилиши 2019 йил 26 октябрда бўлиб ўтди. Унда Илмий семинарнинг иш режаси ва унинг фаолиятини йўлга қўйишга доир ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Музокараларда ҚарМИИ профессори, т.ф.д. Ф.М.Маматов, ҚарМИИ доценти, т.ф.н. Р.Н.Норчаев, ҚарМИИ доценти, т.ф.д. У.У.Жонқобилов, ҚарМИИ доценти, т.ф.н. Э.Э.Эшдавлатов, ТИҚХММИ Қарши филиали доценти, б.ф.н. Ш.Р.Убайдуллаев, ТИҚХММИ Қарши филиали доценти, к/х.ф.н. А.А.Абдиев, ТИҚХММИ Қарши филиали доценти т.ф.н. О.Ж.Примовлар фаол иштирок этишди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**